



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 20 » Декабрь 2021-у.

№ 03-01/9-5713 « »- 2021-ж.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига

Амударё тумани “Хизр эли” маҳалласи Шахристон кўчаси 56-уйда яшовчи фуқаро Г.Султанованинг 2021 йил 13-декабрдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесига (тартиб рақами С-899) йўллаган мурожаати тегишли тартибда ўрганилиб чиқилди.

Ўрганиш натижасида, мактабдаги дарс соатларини тақсимлашда «Умумтаълим муассасаларида синфларни комплекшлаш ҳамда тарификация рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 30-июндаги 3271-сонли билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомнинг 15-бандида кўрсатилган устувор кетма-кетлик ҳисобга олинган. Сабаби, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 22-январдаги 02-0212-192-сонли хатида TRKI-III (С-1) сертификатига эга рус тили фани ўқитувчиларига умумтаълим мактабларида рус тили фанидан дарс тақсимотида устунлик берилиши назарда тутилган. Лекин, рус тили фани ўқитувчиси, мурожаат эгаси Г.Султанованинг мурожаатда келтирган С-1 сертификати у фақат Герцен университети томонидан ўтказилаётган тестда иштирок этиб сертификат олган. Яъни ўқитувчиларга неча балл тўплашидан қатъий назар сертификат берилиши назарда тутилган. Бу сертификат TRKI-III С-1 сертификатига тенглаштирилмаган. Шунингдек, мактабда иккинчи тоифали Раҳимова Юлдуз ҳам рус тили фанидан дарс бериб унда ҳақиқатдан ҳам TRKI-III С-1 сертификати мавжуд. Шу сабабли Ю.Раҳимовага тасдиқланган Низом асосида дарс соатини тақсимлашда устунлик берилган. Бу ерда ҳеч қандай тушунмовчилик йўқ. Ю.Раҳимова TRKI-III С-1 сертификати эга бўлган бўлса, мурожаат эгаси Г.Султанованинг олган сертификати 3271-сонли билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низомда кўрсатилган дарс тақсимотида устунлик бермаслиги аниқланди.

Бу бўйича мурожаат эгаси Г.Султановага бир неча марта тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан, била туриб юқори ташкилотларга қайта-қайта мурожаат қилмоқда.

Яқуний мурожаатни ўрганиш жараёнида қонуний тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаштириш мақсадида Амударё тумани Юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти Ж.Авезов томонидан ҳам қайта ўрганиш жараёнида дарс тақсимоти тўғри тақсимланган деган хулоса берилди.



Бу бўйича мурожаат эгаси Г.Султановага Амударё тумани халқ таълими бўлими ва Амударё тумани Юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти билан биргаликда 2021 йил 17-декабрдаги 366/7-сонли хати билан жавоб берилган.

Амалдаги дарс таксимоти

Т/р	ФИШ	3271-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Низом асосида		
		Халқаро сертификат	тоифа	Дарс соати
1	Ю.Рахимова	TRKI-III C-1	II	18
2	С.Қурбанбаева	-	Олий	18
3	Г.Султанова	-	I	14
4	М.Садикова	-	I	14
5	М.Ахмедова	-	I	14
6	Х.Нормедов (0.5 ставкада директор ўринбосари)	-	I	5

Мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Х.Нормедов асосий 0.5 ставкада ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлганлиги учун унга ҳафталик 5 соат дарс таксимланган.

Шунингдек, мурожаат эгаси Г.Султановага жавоб хатидан норози бўлган тақдирда қайта мурожаат этиш ҳуқуқи бор эканлиги тушунтирилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сизга, Амударё тумани 46-сонли умумий ўрта таълим мактабида келгуси йилларда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилишини маълум қилиб билдирамыз.

Изоҳ: мурожаат эгаси Г.Султановага Амударё тумани халқ таълими бўлими ва Амударё тумани Юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти билан биргаликда 2021 йил 17-декабрдаги 366/7-сонли жавоб хати, 2021 йил 16-декабрдаги Сухбат баёни, тушунтириш хати ёзишдан бош тортганлиги бўйича далолатнома, квитанция нусхаси илова қилинади.

Вазирнинг ўринбосари

Ш.Таджимуратов